# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 8 ноябрь, № 217 (6147) Шанба


# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР, ЮКСАК НАТИЖАЛАР

мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мазмун-моҳиятида ҳам яққол акс этмоқда

*«Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади».*

**Ислом КАРИМОВ**



ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН

Президентимиз томонидан истиқлолимизнинг илк йилларида айтилган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини, жумладан, тиббиёт соҳасидаги янгиланишларнинг моҳиятини белгилаб берган эди.

Дарҳақиқат, юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ эл соғлиғини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом ҳамда маънан етук авлодни тарбиялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида миллий тиббиётимиз тизимига асос бўлган Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш Давлат дастури қабул қилинди. Сўнгра унинг мантиқий давоми сифатида бир қанча умуммиллий дастур ва ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий модели яратилди.

Халқимиз ва келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом эттирилиб, қамрови тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир. Ҳозирги вақтда ижроси якунига етказилиб, деярли тўла ҳажмда амалга оширилган ана шу дастурлар асосида бажарилган ишларнинг аҳамияти ва кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Хўш, бундан 20-25 йил аввал бундай ютуқларни тасаввур қилиш мумкинмиди? Ўрни келганда айтиш лозимки, ўша пайтларнинг жонли гувоҳлари бўлган кишилар расмий маълумотларда “ФАП”, “СВА”, “СУБ” тарзида қисқартма сўзлар билан ифодаланувчи тиббиёт пунктларининг аччиқ дори ҳиди анқиб ётган хоналари-ю, деворларининг сувоғи кўчиб тушай деб қолган харобаҳол, ночор муассасаларни ёмон тушдек эслаcалар, ажаб эмас. Қолаверса, олий маълумотли соҳа мутахассисларига зориқиб турган бундай жойлардан кўп ҳолларда беморлар дардига шифо тополмаганликлари ҳам ҳақиқат эди.

Бугун-чи? Бугун Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва хирургия, кардиология, урология, терапия, эндокринология, кўз микрохирургияси каби ўнлаб йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукаммал ва ишончли тармоғи вужудга келди.

(Давоми 2-бетда).



ЭЪТИРОФ

*Ўзбекистон ўз ютуқлари билан фахрланса арзийди. Халқаро статистика шуни кўрсатмоқдаки, оналар, гўдаклар ва болалар ўлимининг олдини олиш осон иш эмас.*

*Бу муаммо кўплаб мамлакатларда, одатда, баландпарвоз гаплару юксак ваъдалар бериш билан муҳокама этилади. Аммо мавжуд тажрибадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бундай ғамхўрлик сиёсий ирода ва қатъият билан мустаҳкамланмаса, биз ҳеч қачон бу борада тараққиётга эриша олмаймиз.*

*Ўзбекистонда эса 1991 йилдан буён сиёсий масъулият юксак даражада эканини кўриб турибмиз.*

**Маргарет ЧЕН,**
**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори.**






## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Қамаши туманидаги “Муродали фарм текстиль” масъулияти чекланган жамиятида паст навли пахта хом ашёси қайта ишланиб, 400 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.*

### Молиявий кўмак экспорт имкониятини кенгайтирди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қашқадарё вилояти филиали томонидан кўрсатилган 150 миллион сўмлик имтиёзли молиявий кўмак натижасида корхона имкониятлари кенгайди. Эътиборлиси, пахта чиқиндиси ва паст навли пахтанинг қайта ишланган толасидан тўқимачилик саноатида кенг қўлланиладиган момиқ тайёрланиб, қўшни мамлакатлардаги буюртмачиларга жўнатилмоқда.

— Вилоятда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, хорижий сармоядорлар ва маҳаллий тадбиркорларни экспортга жалб этиш мақсадида жамғарма томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди филиал директори Бахтиёр Турсунов. — Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида ҳудуддаги 19 та корхонага 13,7 миллион АҚШ долларилик маҳсулотларини четга сотишида амалий ёрдам берилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Пластмассадан 19 турдаги маҳсулот

*Навоий шаҳридаги “Navoiy Invest Plast” масъулияти чекланган жамиятида пластмасса хом ашёсидан 19 турдаги уй-рўзғор буюмлари тайёрланаяпти.*

Мазкур лойиҳа рўёби учун 92,5 минг долларлик банк кредити йўналтирилди. Пировардида ўнга яқин иш ўринлари яратилди. Айни пайтда тўлиқ компьютерлаштирилган ускуналар сифат назоратини амалга оширмоқда.

— Келгусида маҳсулотларимиз турини юзтага етказиш ҳаракатидамиз, — дейди “Navoiy Invest Plast” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Файрат Шодиев.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Узум қишда «пишади»

*Паркент туманидаги “Заркент Холмат” фермер хўжалиги боғ ва токзорларидаги мева ҳамда узумлар қишнинг қоқ чилласида “пишадиган” бўлди.*

Гап шундаки, бундан сал аввалроқ хўжалик қошида тижорат банкининг молиявий мадади билан 300 тонналик сиғимга эга замонавий омборхона барпо этилганди. Айни пишиқчилик мавсумида етиштирилган ноз-неъматларнинг энг саралари музлаткичли камераларга жойлаштирилди. Хориж технологияси асосида ишловчи омборхонада керакли намлик ва ҳарорат автоматик тарзда назорат қилинади. Шу боис бу ерда сақланаётган боғ неъматлари қиш ва баҳор мавсумигача янги узилгандек сақланади.

— Боғ ва токзорларимиз 100 гектардан ошди, — дейди фермер Баҳром Холматов. — Жорий йилда ҳосилдорликни 150-200 центнерга етказдик. Шу боис маҳсулотларимизнинг бир қисмини қўшни мамлакатларга сотиш юзасидан ҳам шартномалар тузганмиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Уч йўналишда фаолият

*Норин туманидаги “Daminasavdoinvest” масъулияти чекланган жамияти уч йўналишда фаолият кўрсатмоқда.*

Хусусан, бу ерда мебель ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши баробарида, аҳолига савдо хизмати ҳам кўрсатилаяпти.

Ички бозорни юқори сифатли истеъмол моллари билан тўлдиришда фаол қатнашаётган мазкур кичик бизнес субъектида яқинда модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди. Корхонанинг технологик линияси замонавийларига алмаштирилди. Ушбу мақсадлар учун 135 миллион сўм йўналтирилди. Пировардида қувватлар икки баробар ортиб, 15 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида “Daminasavdoinvest” ўз буюртмачиларига 700 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҲАМКОРЛИК

*Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоғига ва кундалик ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масаласига жуда катта эътибор қаратилаяпти. Ушбу жараёнда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, улар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, юқори технологиялар соҳасида илғор мамлакатлардан бири саналган Корея Республикаси бу борада Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорига айланган.*

## АКТ соҳасидаги навбатдаги муваффақият

Президентимизнинг 2012 йил сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида ахборотлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланган эди. Жанубий кореялик мутахассислар “электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш борасида Ўзбекистон Республикасига яқиндан кўмаклашмоқда. Зеро, ушбу давлат “электрон ҳукумат”нинг ривожланиш даражаси бўйича, мана, бир неча йилдирки, БМТнинг жаҳон рейтингида етакчилик қилиб келаётир.

Корея Республикасининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида нуфузли саналган Ахборот жамияти миллий агентлиги юртимиздаги тегишли муассасалар билан идоралараро ягона ахборот тизимини яратиш, лойиҳаларни режалаштириш ва бошқариш, кадрларни қайта тайёрлаш каби қатор йўналишларда истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Мазкур агентлик ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ўртасида имзоланган англашув меморандумига асосан, ТАТУ қошида Ўзбекистон — Корея ахборот алмашиш маркази ташкил этилган. АКТнинг энг сўнгги ютуқлари билан жиҳозланган ушбу марказда Корея Республикаси мутахассислари томонидан талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқув-курслари, дастурий маҳсулотлар кўргазмалари, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимлари учун “электрон ҳукумат” ҳафталик ўқув курслари, масофавий таълим шаклида семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти Францияда тақдим этилди

*Яқинда Париж ва Иль-де-Франс ҳудуди Савдо-саноат палатасида “Ўзбекистон бозорида Франция компаниялари учун қандай бизнес-истиқболлар мавжуд ва қандай стратегияни қабул қилиш лозим?” мавзуида мамлакатимизнинг сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Европа Иттифоқининг “Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури (МТР) — Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Тақдимотда Франциянинг фирма ва компаниялари, ассоциация ва агентликларининг вакиллари иштирок этди. Улар республикамизда яратилган сармоявий иқлим, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари ҳамда “Навоий” халқаро интермодал логистика марказидаги мавжуд имкониятлар билан яқиндан танишдилар. Илғор технологиялар алмашишга қаратилган ҳамкорликка, кимё, озиқ-овқат, машинасозлик, фармацевтика, сайёҳлик саноати ва бошқа соҳаларда маҳсулотларнинг кенг номенклатурасини ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

## Мустақил, ягона ва яхлит тизим

*“Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги мамлакатимизда катта шодиёна сифатида тантана қилинди.*

ДИЛ СЎЗИ

Айниқса, Президентимизнинг йўллаган табриги ўз таркибида 70 минг нафар юқори малакали ишчи ва хизматчини бирлаштирган аҳил меҳнат жамоамиз кўнгилини тоғдек кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Табрикда, жумладан, шундай сўзлар бор: “Ўзбекистон темир йўллари ўзининг 20 йиллик тарихи давомида мураккаб шаклланиш ва жадал ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг барча минтақаларини ишончли боғлаш учун бамисоли қон томирлари каби ҳаётий зарур бўлган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда”.

Дарҳақиқат, бугунги кунда темир йўллар юртимиз транспорт тизимининг муҳим бўғини сифатида юк ва йўловчи ташишда етакчилик қилмоқда. Компания ташкил этилган кундан буён 1 миллиард 400 миллион тонна юк ташилгани, 350 миллион нафар йўловчи ўз манзилига бехатар етказиб қўйилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Давлатимиз томонидан соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳаракатдаги таркиб янгиланаётгани қулай, ишончли ва хавфсиз хизмат кўрсатиш имконини бераяпти. Бунга 30 йиллик меҳнат фаолиятим давомида ўзим гувоҳман.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2014 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда янгидан ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг сони**

**20200** тадан ошди.

Қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани, айниқса, уларнинг қонуний манфаатлари сўзсиз таъминланаётгани туфайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.

# Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти Францияда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, икки томонлама ҳамкорлик салоҳиятидан тўласинча фойдаланилмаётганлиги ҳам таъкидланди. Қайд этилганидек, мамлакатлар ўртасида сармоявий кооперацияни ривожлантириш учун салмоқли имкониятлар мавжуд бўлишига қарамасдан, бугунги кунда унинг даражаси юқори эмас.

Маросим қатнашчилари олдида сўзлар экан, **Париж ва Иль-де-Франс ҳудуди Савдо-саноат палатаси Халқаро ҳамкорлик бошқармасининг директори Жорж Фишер** Ўзбекистон истиқлол йиллари давомида қўлга киритган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятларни қайд этди. У Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳасини диверсификация қилиш борасида катта истиқболлар мавжуд эканлигига тўхталиб, бу Франция тадбиркорларини қизиқтириши лозим эканлигини таъкидлади. Унинг фикрича, мамлакатда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг даражаси Ўзбекистоннинг хорижий сармоядорлар учун жозибадорлигини белгилаб берувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ж. Фишер Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва унинг кўламларини кенгайтириш заруриятини исботлаб берадиган ушбу тақдимот маросими ўз вақтида ташкил этилганлигини қайд этди. У Франция компанияларини ўзбек шериклар билан фаол ҳамкорликни ўрнатишга даъват қилди.

**Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарлари салоҳиятини мустаҳкамлаш" лойиҳасининг менежери Григориус Контзоглоу** мазкур дастур ҳақида маълумотларни тадбир иштирокчилари билан атрофлича ўртоқлашди. Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад ўзбек менежерларининг бошқарув малакасини ошириш, бошқарув ва бизнес юритишнинг Европа усулларидан таҳсил бериш, шунингдек, Ўзбекистонда кичик бизнесни самарали бошқариш ҳамда узоқ муддатли истиқболда уларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қодир бўлган малакали, ваколатли тадбиркор ва менежерлар сонини оширишдан иборатдир.

Г. Контзоглоунинг фикрича, мазкур лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши икки мамлакат компаниялари ўртасида ишбилармонлик алоқаларини муваффақиятли йўлга қўйишда ўзига хос бир кўприк ва самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, тақдимот чоғида тақдим этилган маълумотлар француялик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир якунида томонлар савдо-сармоявий ҳамкорликни жадаллаштириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан мулоқот чоғида тақдимотнинг айрим иштирокчилари Ўзбекистон компаниялари билан ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

**Париж ва Иль-де-Франс ҳудуди Савдо-саноат палатаси Халқаро ҳамкорлик бошқармасининг директори Жорж Фишер:**

— Савдо саноат палатасида бўлиб ўтган тадбирдан кўзланган мақсад европалик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга қаратилган. Ушбу тақдимотда иштирок этганимиздан мамнунмиз, чунки тадбир бизга Ўзбекистонда бизнес юритиш имкониятлари ҳамда 30 миллиондан зиёд аҳолига эга бўлган Ўзбекистон бозорининг фаолияти ҳақида бирламчи маълумотлардан воқиф бўлиш имкониятини яратди.

"Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури (МТР) — Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш" лойиҳасидаги муҳим омиллардан бири Ўзбекистоннинг кичик бизнес вакиллари учун Франция ёки Европа компанияларида амалиёт уюштирилишидадир. Унинг муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилиши ўзбек ва европалик тадбиркорлар ўртасида бевосита ишлаб чиқариш ва кооперация алоқаларини ўрнатиш ишига хизмат қилади.

**"KNS LEASE" компаниясининг молиявий ишлар бўйича директори Лионел Малзак:**

— Компаниямиз фаолиятининг асосий йўналиши лизинг асосида тиббий асбоб-ускуналарни етказиб беришдан иборат. Биз ўзбекистонлик шериклар билан бу соҳада узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатишдан манфаатдормиз.

Ўзбекистон Республикаси Европа ва Осиё ўртасида стратегик жиҳатдан муҳим жуғрофий жойлашувга эга. Мамлакатда бизнес ривожланишига туртки бераётган муҳим омиллардан бири Ўзбекистондаги барқарорлик, осойишталик ва фаровонлик муҳитидир.

**Ж. МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
Париж

КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

# МУЛКДОРЛИК БАХТИ

***"Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли."***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддаси.

"Фермерлар — мустақиллик қалдирғочлари". Биз, қишлоқ хўжалиги ходимлари Президентимизнинг ўтган аср тўқсонинчи йиллари бошида айтган ушбу сўзлари моҳиятида нақадар теран ҳаётий ҳақиқат мужассам эканлигини йиллар ўтгани сайин теран тушуниб етаяпмиз. Биз қишлоқ мулкдори, ер эгасига айландик. Дунё ўрганса арзийдиган тажриба тўпладик. Хусусан, дастлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан машғул бўлган фермер хўжаликлари, айни пайтда қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби кўплаб тармоқларда самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўз фаолиятим мисолида айтай. Олий маълумотли иқтисодчиман. Ана шу соҳа бўйича олган билимларимни бугун фермер хўжалиги ривожида қўллаяпман. 1992 йилда акаларим билан биргаликда чорвачилик йўналишида иш бошлаган эдик. Ер эгасига айланганимга эса ўн уч йилдан ошди. Дастлаб ихтиёримиздаги ерлар бор-йўғи уч гектардан иборат эди. Ўтган даврда хўжалигимиз ривож топиб, экин майдонларимиз кенгайди. Ҳозир 191 гектар ер тасарруфимизда. Ҳар йили пахтадан ҳам, ғалладан ҳам юқори ҳосил олаяпмиз. Қолаверса, чорвачилик — қўшимча даромад манбаимиз. 16 та замонавий қишлоқ хўжалик техникаси — қанотимиз.

Мен яшаётган Мўминобод маҳалласида ҳамкасбларим кўп. Уларнинг барчаси — ерга меҳр қўйган деҳқонлар. Муҳими, ҳудудимиздаги фермер хўжаликлари ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларининг ривожи хонадонларимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигида ўз аксини топмоқда. Албатта, эришаётган ана шу ютуқларимизнинг ҳаммаси давлатимиз томонидан биз, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари — фермерларга яратилган имкониятлар натижаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва у асосида қабул қилинган қонунларимизнинг ҳаётий ифодасидир.

**Баҳодир КЕНЖАЕВ,**
**Боёвут туманидаги «Аҳмадий» фермер хўжалиги раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби, «Ташаббус — 2014» кўрик-танлови ғолиби.**

# Мустақил, ягона ва яхлит тизим

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Очиғи, ҳозирги шароит билан бундан 25-30 йил олдингиси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Буни, айниқса, биз, машинистлар яхши биламиз. Негаки, илгари йўлларнинг сифати ҳам, ҳаракат таркиби ҳам талабга жавоб бермас эди. Шу боис узоқ йўлга чиқиш ўта машаққатли юмуш саналарди. Бир марта рейсни амалга оширгач, локомотивлар таъмирталаб бўлиб қолишини айтмайсизми?

Бугун-чи? Йўлда юриб чарчоқ нималигини билмаймиз. Юртимиз аҳолиси ва меҳмонларига энг замонавий, юксак самарали локомотивлар ҳамда ҳар томонлама қулай вагонларда хизмат кўрсатаяпмиз. Бундан ҳамма хурсанд. Айниқса, ёши улуғ кишилар манзилларига эсон-омон етиб олишгач, қўлларини дуога очиб, шундай эзгу ишларнинг бошида турганлар шаънига илиқ сўзлар айтади, тинч ва осуда Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнасин, дея фотиҳа қилишади.

Шундай пайтларда темир йўл тизимида меҳнат қилаётганимдан, шу касбни танлаганимдан, эл корига яраётганимдан ич-ичимдан қувонаман, руҳиятимда чексиз кўтаринкилик уйғонади.

**Муҳаммад ЮЛДАШЕВ,**
**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўқон локомотив депоси тепловоз машинисти, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**



# АКТ соҳасидаги навбатдаги муваффақият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумот сифатида айтиб ўтиш жоизки, Корея Республикаси ҳукумати дунёнинг 40 га яқин давлатида шундай марказлар фаолиятини йўлга қўйган. Улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илмий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Корея Республикасининг Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва келажакни режалаштириш вазирлиги (Ministry of Science, ICT & Future Planning) томонидан муайян ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, яқинда Пусан шаҳрида Ахборот жамияти миллий агентлиги билан ҳамкорликда ахборот алмашиш марказлари алоқаларига бағишлаб ташкил этилган "2014 1stGlobal IAC Networking Conference" халқаро анжумани бунга бир мисолдир. Мазкур тадбирда 40 га яқин мамлакатнинг ахборот алмашиш марказлари вакиллари қатнашди. Тақдимот ва муҳокамалар чоғида иштирокчилар ўз марказларидаги мавжуд имкониятлар, уларда ташкил этилган ўқув жараёни, кадрлар тайёрлашга қўшаётган улушлари, ўқувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ва бошқа амалий ишлар хусусида батафсил маълумот бердилар.

Эътиборлиси, Ўзбекистон — Корея ахборот алмашиш марказининг фаолияти анжуман ташкилотчилари ва иштирокчиларида жуда катта қизиқиш уйғотди. Натижада у энг фаол марказ сифатида эътироф этилди ва биринчи ўринга муносиб деб топилди.

— Ушбу муваффақият мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини изчил ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасидир, — дейди Ўзбекистон — Корея ахборот алмашиш маркази раҳбари Ойбек Жўраев. — Ана шу эътироф туфайли ажратиладиган молиявий кўмак эвазига марказимиз моддий-техник базасини янгилаш, фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлдик.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИНТИЛИШ

*Корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилашга қаратилган ҳудудий дастур "Бухороэнергомарказ" акциядорлик жамиятини иқтисодий жиҳатдан барқарор жамоалар қаторидан ўрин олишига имконият яратди.*

# Қўшимча даромад манбалари

Зарар кўриб ишлаётган ушбу корхонада мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш ва қўшимча даромад манбаларини излаб топиш чоралари кўрилди. Чунончи, техник кислород ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тикувчилик цехи ишга туширилди. Жанубий Кореядан келтирилган технология асосида 1,6 гектар майдонда иссиқхона барпо этилди. Худди шундай иссиқхонани яна икки гектар ерда ташкил этиш чоралари кўрилаяпти. Аҳоли ва саноат корхоналарини иссиқ сув билан таъминлашга ихтисослаштирилган мазкур жамият яна 36 та янги иссиқхонага хизмат кўрсатишга ҳам киришди. Бу эса корхонага 2,5 миллиард сўмлик қўшимча даромад олиш имконини беради.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР, ЮКСАК НАТИЖАЛАР

## мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мазмун-моҳиятида ҳам яққол акс этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Соғлиқни сақлаш соҳасида илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизмат кўрсатувчи республика даволаш муассасаларигача — барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими вужудга келди.

— Биз мамлакатимиз тиббиётида қўлга киритилган, жаҳон миқёсида юксак даражада эътироф этилаётган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида фикр билдирганда, уларга замин бўлган омил ҳамда мезонлар хусусида кўп гапиришимиз мумкин, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бўлим мудири Зайниддин Низамходжаев. — Бироқ бунда, энг аввало, мазкур соҳада узоқни кўзлаб, ўз вақтида қабул қилинган ноёб дастурларнинг ижросига жуда катта куч, меҳнат ва маблағ сарфлангани ҳисобидан юртимиз тиббиётида туб бурилиш ва ўзгаришларга ҳам назарий, ҳам амалий пойдевор яратилганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Энг муҳими, ушбу кенг қамровли ислоҳотлар, моҳиятан инсон ва унинг манфаатлари, турмушининг обод ва фаровон бўлишини таъминлаш учун хизмат қилишга қаратилганлиги билан янада қадрлидир.

Бугунги кунда эл саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг натижасини ҳар бир юртдошимиз ўз кундалик ҳаёти мисолида ҳис этаётгани, уларнинг саломатлиги янада мустаҳкамланиб, умр кўриш давомийлиги ошаётганлиги шундай хулоса қилишга асос бўлмоқда.

— Яширишнинг ҳожати йўқ, аввалари пана-пасқам аҳволдаги шифохоналарни кўраверб, кўзимиз ўрганиб кетган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош акушер-гинекологи Дилбар Нажмуддинова. — Айниқса, аёллар шундай аҳволдаги шифохонага боришдан кўра, уйида туғишни афзал билиб, оқибати эса аянчли якун топган ҳолатлар ҳам кўп учрарди. Ҳатто эндигина дунёга келган чақалоқларни парваришлашда ҳам номақбул ёндашувлар мавжуд эди. Яъни бола туғилган заҳотиёқ онасидан ажратилар, натижада гўдакларда ҳар жиҳатдан нуқсонлар пайдо бўларди. Истиқлолнинг илк йилларидан фарзанд тарбиялашда асрлар давомида ўтиб келаётган миллий қадрият — болани, аввало, она сути билан боқиш анъанаси ҳам қайта тикланди.

Чиндан ҳам, шундай. Бизнинг барча эзгу ният, орзу-умидларимиз эртанги кун эгалари бўлмиш фарзандларимиз тақдирига дахлдор. Шу боис ҳам, юртимизда она ва бола соғлиғини муҳофаза этишга, соғлом бола туғилиши, жисмонан ҳамда маънан баркамол авлодни вояга етказишга устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган "Соғлом она — соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий марказлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, бугун мамлакатимизнинг барча вилоятида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладор аёлларни таркибида соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш орқали соғлом фарзандларни дунёга келтириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бундай тажриба жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида учрамаслиги ҳам бор гап.

Махсус давлат дастури доирасида замонавий она ва бола скрининг марказлари тармоғи ташкил этилган 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,8 баробардан зиёд камайди. Сўнгги ўн йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга ўсди. Шу билан бирга, бизнинг минтақамизга хос бўлган жиддий касаллик, яъни хотин-қизларда камқонлик даражаси 2,5 марта пасайди.

Мамлакатимизда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йиллар давомида оналар ва гўдаклар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайди. Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 7,5 йилга узайди. Албатта, ушбу ҳаётий мисоллар биз танлаган соғлиқни сақлаш модели қанчалик тўғри ва самарадорлигини яққол тасдиқлаб турибди.

Қолаверса, шу йилнинг 1 августида Президентимизнинг "2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ана шу ҳужжат асосида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш борасида 5 йилга мўлжалланган қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Юртимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган улкан эътиборни янада теранроқ тасаввур қилиш учун баъзи бир рақамларни келтириб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Авваламбор, бу — соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган маблағ ва инвестициялар мисолида кўзга яққол ташланади. Агар 2012 йилда ушбу мақсад учун республикамиз давлат бюджети ҳисобидан 2,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2013 йили бу кўрсаткич 3,4 триллион сўмга етди. 2014 йилда эса соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида давлат бюджетидан 4,4 триллион сўм ажратилди.



Юртимизда Соғлом бола йилида Инвестиция дастурига асосан, 407 миллиард сўмдан зиёд давлат бюджети маблағи ҳисобидан

**137** та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилади.

Шу ўринда эътиборга молик яна бир далил. Юртимизда жорий йил мобайнида Инвестиция дастурига асосан, қарийб 407 миллиард сўмдан зиёд давлат бюджети маблағи ҳисобидан 137 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилади. Жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 60 ўринли болалар хирургия бўлими, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида даволаш корпуси каби ўнлаб шифохоналар тубдан реконструкция қилингани тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг миқёси ва кўлами нақадар улкан эканидан далолат беради.

Албатта, соғлиқни сақлаш соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар шулардангина иборат эмас. Ҳозирги кунда бунёд этилаётган замонавий даволаш муассасаларида ноёб технологиялар орқали хизмат кўрсатишга қодир мутахассислар тайёрлашга ҳам эътибор қаратилаяпти. Буларнинг барчаси мамлакатимиз тиббиёт тизимини янги, юксак босқичга кўтариш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлиши шубҳасиз. Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси қаторида Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч ва Нукус шаҳарларида тиббиёт олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Президентимизнинг шу йил 22 июлдаги "Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан яна битта олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди. Бу мамлакатимизда етук мутахассислар тайёрлашнинг принципиал жиҳатдан янги тизимини бошлаб берди, дейиш мумкин.

— Биз, шифокорлар беморлар дардига малҳам бўлиш учун бор маҳоратимизни ишга соламиз, — дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори Равшанбек Қурбонов. — Лекин зарур шарт-шароит бўлмаса, бирор натижага эришиш қийин. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан марказимизга энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилганлиги биз учун катта кўмак бўлди. Агар илгари жарроҳлик амалиёти 6-7 соатга чўзилган бўлса, ҳозир узоғи билан 2 соатда мураккаб операцияларни ҳам муваффақиятли тугатаяпмиз.

Дарвоқе, шифокорлар яхши билишади, бундай ўта нозик ва қийин амалиётлар фақат жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларидагина бажарилиши мумкин. Биргина мисол: беморнинг кўкрак қафасини очмасдан туриб, уни тиғсиз йўл билан юрак аритмиясидан халос қилиш учун ўта юқори технология, қимматбаҳо ускуналар билан жиҳозланган махсус жарроҳлик хонаси ва юксак даражада билимга эга малакали мутахассислар талаб этилади. Бу каби мезонларга асосан ўтказиладиган амалиётлар ҳозир нафақат пойтахтимиз, балки вилоятлардаги даволаш муассасаларида ҳам амалга оширилаётганлиги янада қувонарлидир.

Айни пайтда Наманган ва Урганч шаҳарларида юрак клапанларини алмаштириш, туғма ва орттирилган юрак касалликларини операция қилиш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография каби даволашнинг янги усуллари йўлга қўйилди. Нукус, Қарши, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах шаҳарларида эса юрак ҳолатини узлуксиз мониторинг қилиб бориш амалиёти кенг ўтказилмоқда.

Табиийки, бу мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган улкан ишларнинг бир қисми, холос. Бунга қўшимча қилиб, тиббиётнинг урология, офтальмология, хирургия, травматология ва ортопедия, онкология, стоматология, эндокринология каби кўплаб йўналишларида амалда татбиқ этилаётган диагностика ва даволашнинг мутлақо янги усул ҳамда услублари, энг замонавий технология ва техникани ҳаётимизга жорий этаётган мутахассисларимиз ҳам борки, очиғи, улар эришаётган муваффақиятлар, чиндан-да, ҳайратланарли. Масалан, яқинда Францияда бўлиб ўтган 22-халқаро Онкологлар конгрессида АҚШ, Германия, Италия, Япония, Австрия каби қатор ривожланган давлатлардан қатнашган энг нуфузли олим ва мутахассислар томонидан 450 та илмий иш тақдим этилди. Қувонарлиси, улар орасида ҳамюртимиз, ёш олим Дилшод Эгамбердиевнинг илмий изланишлари биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Бу Президентимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам" деган эзгу даъватларига яна бир ҳаётий мисолдир.

— Тиббиётчиларимиз изланишдан, тажриба ва маҳорат орттиришдан сира тўхтаб қолганлари йўқ, — дейди Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов. — Зеро, мустақиллик йилларида шифокорлик юксак эҳтиромга сазовор касбга айланди. Бундай эъзоз ва қадр ҳеч бир замонда бўлган эмас. Шу маънода, бундан саккиз йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида нишонланиши ҳам мамлакатимиз шифокорларининг меҳнатига билдирилган юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир. Бу йилги байрам Соғлом бола йилида, унинг юксак мақсад ва вазифаларига уйғун ҳамда ҳамоҳанг тарзда кенг нишонланаётгани бу айёмга ўзгача руҳ бағишламоқда.

Модомики, шундай экан, инсон саломатлигини асраш устувор вазифа сифатида белгиланган мамлакатимизда бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар бир тиббиёт ходимини янада фаолликка ундайверади. Қолаверса, Президентимиз таъкидлаганидек, бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доимий ва узлуксиз жараён эканидан далолат беради. Тиббиёт ҳам илм-фан, ҳам амалиёт сифатида мунтазам такомиллашиб бормоқда ва бу бизнинг миллий соғлиқни сақлаш моделимизда ўз ифодасини топмоқда.

**Фурқат САНАЕВ.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Италиянинг "Monte dei Paschi di Siena" банки директорлар кенгаши молия муассасаси капиталини 2,5 миллиард еврога кўпайтириш тўғрисидаги қарорни маъқуллади, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

## Капиталини кўпайтиради

Гап шундаки, нуфузи жиҳатидан мамлакатда учинчи ўринда турувчи ушбу банк яқинда Европа марказий банкининг стресс-тестидан ўта олмаган эди. Шу боис унга капиталидаги тақчилликни бартараф этиш учун тўққиз ой муҳлат берилган.

"Monte dei Paschi di Siena" давлат томонидан кўрсатилаётган кўмакка қарамай, мана, уч йилдирки, катта миқдордаги зарар билан ишлаяпти.

## Йил якуни бўйича тахмин



*Японияниг "Toyota" автоконцерни жорий молиявий йил якуни бўйича кутилаётган даромад ҳажмига оид прогноз кўрсаткичларини оширди. Унга кўра, компания 2,5 триллион иена — 17,5 миллиард евро миқдоридаги маблағга эга бўлади.*

"Toyota" учун АҚШ энг муҳим бозор ҳисобланади. Жаҳонда нефть ва бензин нархи пасайгани туфайли ана шу давлатда машиналарга талаб сезиларли даражада ортди ва бу автоконцернга қулай имконият туғдирди. Ўз навбатида, Япония ишлаб чиқарувчиси йил якунига қадар Хитойда ҳам маҳсулотлари савдоси ҳажми 20 фоиз ўсишига умид қилмоқда.

## Сабаби ўрганилмоқда

*Аргентинанинг Кордова шаҳридаги лок-бўёқ заводида кучли портлаш рўй берди.*

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабарига қараганда, воқеа оқибатида 12 киши жароҳатланган. Улардан айримларининг аҳволи оғир. Корхонага яқин ҳудудда жойлашган уйлар, дўконлар ва автомобилларга ҳам жиддий зарар етган. Портлаш сабаби ўрганилмоқда.

## Мўмай даромадга эга футболчилар



*АҚШнинг "Forbes" журнали дунёнинг энг кўп даромад оладиган футболчилари рўйхатини эълон қилди.*

Унда Испаниянинг "Реал" клуби жамоаси ҳужумчиси Криштиану Роналдо биринчи ўринда қайд этилган. Ушбу футболчи йилига 80 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ишлаб топади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Лионель Месси ("Барселона", 64,7 миллион доллар) ҳамда Златан Ибрагимович ("ПСЖ", 40,4 миллион доллар) эгаллаган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Qishloq Qurilish Bank

Узоқни кўзлаб, пухта ўйлаб тайёрланган истиқболли лойиҳалар ҳамиша юксалиш кафолати бўлган. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" ҳам мамлакатимизда ана шундай мукаммал стратегик дастурлар яратилиши ва изчил, босқичма-босқич ижро этилишида муҳим асос бўлмоқда. Ваҳолонки, кўплаб давлатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратларини ҳали-ҳануз тўлиқ бартараф эта олмаётган мураккаб бир вазиятда юртимизда барча соҳаларда юқори ўсиш суръатлари кузатилаяпти, хусусан, иқтисодиётимиз йилдан-йилга равнақ топаяпти.

Биргина молия муассасалари фаолиятини олайлик. Ушбу даврда мамлакатимиздаги аксарият банклар эришган муваффақиятлар, ижобий кўрсаткичлар нуфузли экспертлар, халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан юқори баҳоланди. Жумладан, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур молия муассасаси жамоаси жорий йилда аҳоли манфаатларини таъминлаш, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги кўплаб истиқболли лойиҳалари билан иқтисодий салоҳиятимизни оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Чунончи, банкнинг Тошкент ва Андижон минтақавий филиаллари томонидан ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар алоҳида эътиборга моликдир.

«Қишлоқ қурилиш банк»:

# МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ — БОШ МЕЗОН

*Маълумки, ҳозирги кунда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида улар қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳарлардан қолишмайдиган даражага етаётир. Бунда "Қишлоқ қурилиш банк", хусусан, унинг Тошкент минтақавий филиали жамоасининг ҳам муносиб улуши бор.*

## Бунёдкорликка йўналтирилган кредитлар

Айтиш жоизки, филиал 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозир бу ерда 115 нафар ходим фаолият юритмоқда. Унинг таркибидаги 18 та чакана хизмат кўрсатиш шохобчаси орқали амалга оширилаётган халқаро пул ўтказмалари, валюта айирбошлаш каби банк хизматларидан 16411 нафар мижоз, жумладан, 4654 нафар омонатчи баҳраманд бўлаётир.

Олиб борилган изчил чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида филиалнинг соф активлари миқдори 196 млрд. 184,7 млн. сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида қатъий депозит сиёсати юритилди. Пировардида филиалдаги жами омонатлар суммаси 20 млрд. 146,4 млн. сўмга, кредит портфели миқдори эса 169 млрд. 266,5 сўмга етди.

Шу билан бирга, филиал жамоаси уй-жой, ижтимоий соҳа объектларини бунёд этиш, қишлоқларни ободонлаштиришга қаратилган кўплаб лойиҳаларни ҳам молиялаштириб келаётир. Қишлоқ жойларда йўллар, энергия ва сув таъминоти тармоқлари, врачлик пунктлари, мактаблар, спорт иншоотлари реконструкция қилиниб, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тизими фаолияти замон талаблари асосида йўлга қўйилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида филиал маблағлари ҳисобидан 2009 — 2014 йиллар давомида намунавий лойиҳалар асосида 2576 та уй-жой барпо этилди.

Иқтисодиётнинг реал сектори, кичик бизнес субъектлари ва истеъмол бозорини кредит маблағлари билан таъминлаш ҳам муассаса фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Бу эса мазкур соҳа ишбилармонларининг истиқболли лойиҳалари рўёбида ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти.

— Жамиятимиз ташкил қилинганига бир йилдан ошди, — дейди "Grand Diesel Spectrum" масъулияти чекланган жамияти раҳбари К. Каттахўжаев. — Бизнес-режамиз дизель двигателли автотранспорт ҳамда бошқа турдаги техника воситаларига хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга қаратилган эди. Уни амалга ошириш учун "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Тошкент вилояти минтақавий филиалига мурожаат этдик. Муассаса жамоаси саъй-ҳаракатлари билан қисқа фурсатда бизга 210 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Мазкур маблағ эвазига Буюк Британияда ишлаб чиқарилган юқори технологик асбоб-ускуналар ҳамда автоулов агрегатларини таъмирлаш ускуналарини харид қилдик. Ҳозир замонавий дастгоҳлар ёрдамида автотранспортларга техник хизмат кўрсатаяпмиз. Лойиҳа шарофати билан тўрт нафар коллеж битирувчисини ишга олдик. Келгусида "Қишлоқ қурилиш банк" билан ҳамкорликда яна кўплаб маҳаллий ёшлар бандлигини таъминлашни мақсад қилганмиз.




Реклама ўрнида

*Ишонч ва кафолат ўзаро манфаатли муносабатларнинг истиқболини белгилайди. Бинобарин, банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиши ҳам ана шу омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Айни сабабдан истиқлол йилларида мамлакатимизда мазкур тизим тубдан либераллаштирилиб, "Банк — мижоз учун" тамойили асосида ишлаш молия муассасаларининг устувор мезонига айланди.*



## Иқтисодиёт ривожи — фаровонлик асоси

"Қишлоқ қурилиш банк"нинг Андижон минтақавий филиали фаолияти билан танишиб, бунга яна бир бор иқрор бўласиз. Гап шундаки, айни пайтда жамоа мижозларга замонавий хизмат турларини тақдим этаяпти. Бу жараёнда эса илғор ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилаётгани муваффақиятлар асоси бўлаётир. Жумладан, "SMS-banking", "Инфокиоск" каби дастурий хизмат турлари ана шундай изланишлар самарасидир. Муассаса 11800 дан ортиқ мижозга ушбу хизмат турларини таклиф қилаяпти. Улардан 10300 нафари омонатчилар ҳамда пластик карта эгаларидир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида филиал соф активлари миқдори 188 млрд. 15 млн. сўмга, жами омонатлар кўрсаткичи эса 1 октябрь ҳолатига кўра, 11 млрд. 323,2 млн. сўмга етди.

Иқтисодиётнинг реал сектори, кичик бизнес субъектлари ва истеъмол бозорини кредит маблағлари билан таъминлаш ҳам банк фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Ўтган давр якунига кўра, филиалнинг жами кредит портфели миқдори 169 млрд. 238,1 млн. сўмни ташкил этди. Шундан 168 млрд. 678,5 млн. сўми узоқ муддатли кредитлардан иборат.

Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришда Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар муҳим ўрин тутади. "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Андижон минтақавий филиали томонидан 2009 — 2014 йиллар давомида 3515 та ана шундай тураржой қурилиши молиялаштирилди.

Филиал томонидан иқтисодиёт ривожига йўналтирилаётган сармоялар эса ҳудуд тараққиётини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

— Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида бизнес-режа билан "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Андижон минтақавий филиалига мурожаат қилдик, — дейди "Nil granit" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абувоҳид Маткаримов. — Лойиҳамиз филиал мутасаддиларига маъқул келди. Шу тариқа тез орада 700 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Ушбу маблағ эвазига хориждан янги асбоб-ускуналар ҳамда тикув дастгоҳлари сотиб олдик. Натижада 60 та иш ўрни яратилиб, уларга, асосан, касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлар жалб этилди.

— "Қишлоқ қурилиш банк" доимий ҳамкоримиз, — дейди "Гулистон нурли истиқболи" чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари Одинахон Отажонова. — Унинг Андижон минтақавий филиали бизни мунтазам қўллаб-қувватлаб келмоқда. Масалан, Польша давлатидан 66 бош наслли қорамол келтиришимизда банк томонидан ажратилган 300 минг АҚШ долларилик кредит асқатди. Шу асосда маҳаллий ёшлардан яна олти нафарини иш билан таъминладик.

Мухтасар айтганда, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг ҳар иккала вилоят филиали мутахассислари мижозларга тезкор ва замонавий хизмат кўрсатиш мақсадида ўз билим ҳамда тажрибасини мунтазам ошириб бормоқдалар. Бу эса, ўз навбатида, жойларда ишбилармонликни тараққий эттириш баробарида, молия муассасасига бўлган ишончни янада мустаҳкамлаяпти.

**Банк ахборот хизмати.**

**Тошкент давлат техника университети**



**«ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

**катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар институтларига қуйидаги ихтисосликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИЛИККА (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)**

**02.00.16** — Композицион материаллар кимёси ва технологияси — 2 ўрин.
**05.17.03** — Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси — 1 ўрин.

**Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**
- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратура дипломи, фан номзоди ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг тўлиқ лойиҳаси;
- илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалар ҳамда тезислар нусхаси;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси (фан номзоди илмий даражасига эга талабгорлар бундан мустасно);
- соғлиғи ҳақида 086-шаклдаги маълумотнома;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий маслаҳатчи сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

**Қабул имтиҳонлари рўйхати:**
- мутахассислик;
- Ўзбекистон тарихи;
- фанни билиш назарияси ва методологияси;
- чет тили.

***Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгор кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинади.***

***Шунингдек, юқорида келтирилган ихтисосликлар бўйича мустақил изланувчиликка (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун) қабул эълон қилинади.***

**Ҳужжатлар 2014 йил 15 ноябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7-«А» уй. Телефонлар: (0-371) 246-39-28, 246-83-21.**

1781R/891

ЭЪЛОНЛАР

***Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!***

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни етказиб бериш бўйича тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади:**
- диаметри 51 мм. бўлган, босимга чидамли, ўт ўчиришда ишлатиладиган енг , миқдори — 2655 тўплам;
- диаметри 66 мм. бўлган, босимга чидамли, ўт ўчиришда ишлатиладиган енг, миқдори — 1001 тўплам;
- диаметри 77 мм. бўлган, босимга чидамли, ўт ўчиришда ишлатиладиган енг, миқдори — 900 тўплам;
- диаметри 77 мм. бўлган, сўриб олиш хусусиятига эга, ўт ўчиришда ишлатиладиган енг, миқдори — 120 тўплам;
- диаметри 125 мм. бўлган, сўриб олиш хусусиятига эга, ўт ўчиришда ишлатиладиган енг, миқдори — 140 тўплам;
- диаметри 150 мм. бўлган, босимга чидамли, ўт ўчиришда ишлатиладиган енг, миқдори — 400 тўплам.

*Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 40 кун (зарур бўлган ҳолларда белгиланган тартибда танлов таклифларини қабул қилиш муддати ўзгартирилиши мумкин).*

**Тендер савдолари қуйидаги манзилда ўтказилади: 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (0-371) 255-75-12 (навбатчи), 255-75-11, 281-43-76.**

1786R/874

O'ZSANOATQURILISHBANK

**АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»**

**томонидан стратегик инвесторларга таклиф.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

**«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ** — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

**Корхона манзили:** Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

**«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ** — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

**Корхона манзили:** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

**Маълумот олиш учун АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (0-371) 120-36-04, (+99895) 199-29-36. Факс: (0-371) 120-45-64, 120-36-29. E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz**

1783/497

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони жамоаси Девон ходими Тимур Ходжаевга падари бузруквори

**ЖАВҲАР отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти жамоаси бош илмий ходим, иқтисод фанлари доктори

**Чори Муродович МУРОДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Биологик, анорганик ва органик кимё кафедрасининг профессори

**Ўткур Қудратович ИБРАГИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ТАРИХ САБОҚЛАРИДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ ЯШАЙЛИК

## ёхуд адабиётимизнинг яқин ўтмишига бир назар

*Ўзбек адабиётининг тарихий илдизлари жуда теран. Ўзбек адабиёти деганда, узоқ тарихга эга бўлган, жаҳон адабиётини дурдона асарлар билан бойитган муҳташам адабиёт саройи кўз олдимизга келади.*

*Бугун ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори адабиётимизда ҳам юз бераётган том маънодаги янгиланиш ва юксалиш жараёнини кузата туриб, кўнгилда беихтиёр: "Ана шундай қадим ва бой тарихга, теран илдиз ҳамда анъаналарга эга бўлган, ҳеч кимдан кам бўлмаган адабиётимизнинг мустамлака даврида аҳволи қандай кечган эди?" деган савол туғилади. Бу саволга жавоб излаганда, афсуски, кўп нохуш воқеаларга дуч келамиз.*

*Аввало, бу даврда тарихимиз сохталаштирилди, тарихий шахслар (айниқса, давлат арбоблари) ва диний уламолар ҳақида ёзиш мутлақо тақиқлаб қўйилди. Шундай асарлар пайдо бўлса, муаллифга дарҳол "ўтмишни кўмсамоқда", "ўтмишни идеаллаштирмоқда" ёки "халқлар дўстлигини бузиб кўрсатди" деган тамғалар ёпиштирилди.*

Чунончи, ўзбек тарихий романчилигининг тамал тошини қўйган Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи ўз вақтида ман этилди, уни ўқиган одамлар таъқиб қилинди. Академик адиб Ойбекнинг "Навоий" романи ҳам 50-йилларда ноҳақ танқид ва хуружларга учраганини кўпчилик яхши билади. Роман муаллифи руҳий тазйиқларда қолди, унинг оқибатида умрининг охирги ўн беш йилида тилдан қолиб кетди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг Бобур Мирзога бағишланган, кейинчалик жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган "Юлдузли тунлар" номли тарихий романи ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг пленумида ғоявий жиҳатдан зарарли, деб ноҳақ қоралангани, шу туфайли нашриёт тортмасида беш йил чоп этилмасдан ётгани эсимда. 1983 йили Бобур Мирзо таваллудининг 500 йиллиги бутун дунёда нишонлангани ҳолда, улуғ шоир ва саркарда туғилган юртда тор доирада биргина мажлис ўтказилган эди, холос.

Адабий тазйиқлар ҳар қадамда учрар, ёзувчилар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилишга мажбур этилган эди. Миллий-диний қадриятларни нафақат улуғлаш, балки ўрганиш ҳам ман қилинарди. Масалан, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Хожа Аҳмад Яссавий ижодини ўрганиш таъқиб қилинди, ҳикматларини нашр этишга йўл қўйилмади. Унинг тил ва адабиёт тарихидаги хизматлари хаспўшланди. Унга тарқидунёчиликни тарғиб этувчи диний-мистик оқим куйчиси, деган айбни қўйдилар. Шоир ижоди билан шуғулланган олимларга маъмурий жазолар берилгани ҳам маълум.

Ўша замондаги адабиётимизга беписандликнинг яна бир яққол намунаси ўзбек шоирларининг асарларини рус тилига таржима қилиш жараёнида намоён бўларди. Аксарият рус таржимонлари адабий ижодимизга ўз билганича, ўзбошимчалик билан ёндашишар, хоҳлаганча ўзгартиришар, таржима қилмай ташлаб кетишар, қисқартиришар эди. Шу сабабдан, кўпинча ўзбек шоири ўз шеърини русчада ўқиб, танимай қоларди.

Мисол учун, Алишер Навоий асарлари таржималарига мурожаат этайлик.

Албатта, бу ўринда адолат юзасидан эътироф этиш керакки, Н.И. Конрад, Е.Э. Бертельс, С.Н. Иванов сингари рус олимлари улуғ шоир ижодини холислик билан ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. Чунончи, Евгений Эдуардович Бертельснинг "Навоий. Ижодий таржимаи ҳол тажрибалари" (1948 й.) китоби, "Навоий ва Аттор", "Навоий ва Жомий" сингари тадқиқотлари Навоий шахсини ва унинг ижодидаги тасаввуф моҳиятини тўғри талқин этишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Санкт-петербурглик шоир, таржимон ва олим, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Сергей Николаевич Иванов фаолияти ҳам диққатга сазовор. У мустабид тузум даврида ўзбек тилидан бевосита рус тилига таржима қила оладиган ягона таржимон эди, десак, муболаға қилмаган бўламиз. У ўзбек тилини мукаммал билар эди. Унинг Тошкентда босилган "Кровное слово" (1981 й.) мажмуасига мумтоз ва замонавий шеъриятимизнинг ўттиз нафар вакили ижодидан намуналар киритилган эди.

Сергей Иванов ўзини, асосан, Алишер Навоий ижодининг мухлиси ва таржимони деб биларди. У шоирнинг юзлаб ғазал, рубоий, фард, қитъа, туюқларини рус тилига меҳр билан таржима қилди. "Лисон ут-тайр" достонининг таржимаси (1970 й.) эса олимнинг таржимонлик фаолиятида юксак чўққи бўлди. Китобда улуғ шоиримизнинг 60 ғазали, 5 та мухаммаси, 35 дан ортиқ рубоийси, туюқ, қитъа, афоризмлари берилган. Туюқлар таржимаси, айниқса, диққатни тортади. Туюқ жанри фақат ўзбек адабиётига хос бўлган ҳодиса. Унда, одатда, уч қофия бўлиб, фақат омонимлардан ташкил топади. Бу жанрда асар яратиш ижодкордан катта истеъдодни талаб қилади. Сергей Иванов Навоийнинг 7 та туюғини маҳорат билан таржима қилиб, рус тилида жаранглата олгани эътирофга лойиқдир.

Лекин, афсуски, ўз ишига ана шундай фидойилик ва инсоф билан ёндашадиган мутахассислар кам эди.

Мана, қўлимизда Алишер Навоийнинг рус тилида нашр қилинган 920 бетлик салмоқли куллиёти *("Навои". "Советский писатель", М., 1983)* турибди. Китобга ҳамма жанрлардан намуналар, жумладан, "Хамса" достонлари ҳам киритилган.

Рус тилига В. Державин таржима қилган "Ҳайрат ул-аброр" достони чиндан ҳам кишини ҳайратга солади. Бордию, ҳазрат Навоий бу таржималарни кўрганларида, ҳайратланиб, достондаги йигирма мақолат ёнига йигирма биринчи мақолатни қўшиб, унда бадиий асарни қандай таржима қилиш, аслиятга ҳалол ёндашиш, муаллифга ҳурмат борасида баҳс юритган бўлармидилар? Гап шундаки, 63 бобли достон XIV бобдан бошланади ва, борйўғи, 16 та боб берилади.

"Смятение праведных" *("Художественная литература", М., 2009)* китобида эса достондан 41 боб киритилган, бу ерда ҳам 21 боб умуман таржима қилинмасдан, қисқартириб юборилган.

Навоий ўз достонларида ҳар бобга киришда матнда ифода этилмаган муҳим фикрни айтиб кетиш ниятида кичиккина, лекин залворли муқаддима илова қилади. Муқаддималарнинг ўзига хос жозибаси бор. Ўқувчи уни ўқиб, мутолаага тайёрланади. Лекин "Ҳайрат ул-аброр" (В. Державин) билан "Фарҳод ва Ширин" (Л. Пеньковский) таржималарида таржимонлар бу муҳим муқаддималарни ортиқча деб ҳисоблаб, ташлаб кетадилар ёки бир-икки сўз билан ифода қилишга уринадилар.

**Ю**қорида айтганимиз, "Навои" куллиётида қуйидаги манзарани кўрамиз: "Фарҳод ва Ширин" — 54 бобдан 29 боб, "Лайли ва Мажнун" — 38 бобдан 25 боб, "Сабъаи сайёр" — 38 бобдан 15 боб, "Садди Искандарий" — 89 бобдан атиги 10 бобгина берилган, холос. Достонлар матнидаги қолдириб кетилган бобларсиз рус ўқувчиси Навоий даҳоси тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиши, албатта, қийин.

"Ҳайрат ул-аброр" таржимасида таржимон яна ўз билганича иш тутган: достоннинг 12-бобидан бошларкан, бобга мазмунидан келиб чиқиб, ўзича: "О Низами и о Хосрове Дехлави", 13-бобга "Об Абдурахмане Джами", 62-бобга "Заключение" (?), 63-бобга "Рассказ о рабе" деб ном қўяди.

Яна бир мисол. "Навои" куллиётида "Соқийнома" асари Вс. Рождественский таржимасида берилган. Шоир соқийга мурожаат қилар экан, жанр анъанасига кўра, Жамшиддан бошлаб ўтган улуғ зотларни бир-бир эслаб ўтади ва шундай ёзади:

*Қани Темур — шаҳи исломпаноҳ,*
*Ки жаҳон олди, чекиб хайли сипоҳ.*
*Жадду обо санга авлод қани?*
*Оға-ини санга аҳфод қани?*

Кўриниб турибдики, ёнма-ён келган бу икки байтнинг бир-бирига алоқаси йўқ. Биринчисида қўшин йиғиб жаҳонни олган Темурбек йўқланмоқда. Иккинчи байт эса, умуман, бани башарга, дайри дунга ("санга" — умуман мажҳул шахсга) қараб қилинган мурожаатдир.

Энди бу байтларнинг таржимасига эътибор беринг:

*Где **хан** Тимур, что мир завоевал?*
*Он с армией бессчетной*
***прахом стал.***
*Нет ни детей его — твоих отцов,*
*Нет внуков —*
*старших братьев-храбрецов.*

Шоир, биринчидан, Темурбекни "хон" деяётгани йўқ, чунки Амир Темур ўзини ҳеч қачон хон атамаган. Иккинчидан, беҳисоб қўшини билан жаҳонни олди, дейилмоқда, холос. Таржимон эса ўйлаб-нетиб ўтирмай, Темур қўшини билан хоки туроб бўлди, деб аслиятда йўқ гапни қўшиб юборади, кейинги байтни унга ноўрин тиркаб қўяди. Мустамлака замонида бундай йўл тутмоқ бемалол эди-да. Натижада шоир ҳақида, у мансуб тарих ҳақида нотўғри тасаввурлар пайдо бўлади. Ҳолбуки, Алишер Навоий Соҳибқиронни маърифатпарвар подшо сифатида улуғлаб, "Мажолис ун-нафоис" асарида еттинчи мажлисни ҳурмату эҳтиром кўрсатиб, Амир Темур номи билан бошлаган эди.

Бундай ҳолатларни кўрганда, муҳтарам Юртбошимизнинг "Совет даврида бизга иккинчи сорт одамлар сифатида қарашар эди", деган сўзлари қайта-қайта эсга тушаверади. Фақат одамларгина эмас, балки Ўзбекистондаги ҳамма нарса "иккинчи сорт" деб қабул қилинарди. Қадриятлар, урф-одатлар, тарих, маданият, барча-барчаси... Жумладан, адабиёт ҳам.

Яқинда китобларни варақлаётиб, бир адабий тадқиқотдаги "Чиғатой тили", "Чиғатой адабиёти" атамаларига кўзим тушди. Ажабо, бизнинг катта ва бой адабиётимиз, бизнинг она тилимиз нега шундай аталган экан? Ким атаган? Қачон атаган?

Келинг, бу ўринда, аввало, узоқ тарихга юз буриб, "Чиғатой ким эди?" деган саволга жавоб топиб олайлик.

Чиғатой (туғилган йили номаълум — вафоти 1242 й.) Чингизхоннинг иккинчи ўғли.

1224 йилда Чингизхон ўғилларига мулк улашади. Чиғатойга ҳам катта ҳудуд инъом этилади. Бу ҳақда муаррих Абулғозий шундай маълумот беради: "...Мовароуннаҳрни ва Хоразмнинг баъзисини, билоди уйғур ва Кошғар, Бадахшон, Балх, Ғазнидин то Синд сувигача анга бериб эрди. **Бу айтилган вилоятнинг ҳеч қайсисига ўзи борган йўқ.** (Таъкид бизники – *М.А.)* Аммо доруғалар қўйиб эрди. Ўзи Ўгадойнинг қатинда эрди." *(Абулғозий. "Шажарайи турк". Т, 1992. 93-бет).* Шундан сўнг Мовароуннаҳрни Чиғатой улуси деб атай бошладилар.

1224 йилдан ўн саккиз йил давомида Чиғатой бу ҳудуд ҳукмдори бўлган. Мўғулларнинг босқинчилик юришларида у Чингизхон билан бирга бўлиб, Хитойга юришда, Мовароуннаҳрни истило этишда ғоят шафқатсизлик кўрсатган. Ака-укалари Жўжи ва Ўгадойлар билан биргаликда Ўтрорни олишда, Урганчни қамал қилишда қатнашган. 1221 йилнинг 25 ноябрида Жалолиддин Мангуберди билан Синд дарёси бўйида юз берган аёвсиз жангда иштирок этган. Синд дарёсидан от солиб ўтиб кетган Хоразмшоҳ Жалолиддинни таъқиб этиш, тутиб келишга юборилган.

Чиғатойнинг қишки ва ёзги ўрдаси бўлиб, ҳар иккиси ҳам Или водийсида (ҳозирги Хитойнинг Ғулжа шаҳрига яқин, Или вилояти) эди. Мирзо Улуғбек шундай ёзади: "Айтадиларки, Чиғатойхон айшу ишрат ва овни жуда севган. Кўпинча вақтини ўша ишларга сарф этган..." *(Мирзо Улуғбек. "Тўрт улус тарихи". Т, 1994. 298-бет.)*

Чингизхон вафотидан (1227 й.) сўнг Чиғатой бирон марта жангларда қатнашмаган, Мовароуннаҳрга ҳам келмаган, улусни идора қилишни аввал Маҳмуд Яловочга, кейин унинг ўғли Масъудбекка (1238-1289 й.лар) топшириш билан кифояланган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, Чиғатой вафотидан буён етти юз эллик йилдан зиёд вақт ўтибдики, унинг номи нима учун ҳали-ҳануз Ўзбекистон топонимикасида мавжуд? Нима учун жойлар унинг номи билан аталган, унинг номидаги маҳаллаларда яшаймиз?

Энг ачинарли жиҳати, масалага нохолис ёндашув туфайли жаҳонда нафақат юртимиздаги жойлар, балки юртнинг ўзи, тили, адабиётини ҳам Чиғатой номи билан атайдиган бўлиб қолишган! Ҳатто бутун бошли миллатни ҳам ўзбек эмас, "чиғатой" дейиш одат тусини олган.

**И**лгари тилимизнинг тарихи ва қонуниятлари, номланиши, адабиётимизнинг даврлаштирилиши билан, асосан, В. Радлов, В. Бартольд, Н. Поппе, А. Самойлович, Ф. Кўпрулизода, А. Кримский, М. Массон сингари хорижий олимлар шуғулланганини инобатга олсак, **"Чиғатой тили", "Чиғатой эли", "Чиғатой адабиёти"** каби терминларнинг пайдо бўлиши ва томир ёйишида, бундай қарашларнинг дунё илм-фанида тарқалишида "четдан келиб бизнинг тилимизга турли номлар беришни яхши кўрадиган турколог-лар"нинг (П. Қодиров ибораси) хизматлари катта бўлгани англашилади.

Масалан, В. Бартольд шундай ёзади: "Под влиянием блестящего расцвета тюркской литературы в **чагатайском государстве** (?) при Тимуридах этот **восточнотюркский литературный язык** (?) как на Востоке, так и в европейской науке получил название **"чагатайского"** *(В.В. Бартольд. Сочинения. V том. М., 1968. стр.606).* Яъни: "Темурийлар давридаги **чиғатой давлатида (?)** барқ уриб яшнаган турк адабиёти таъсирида бу **шарқий-турк адабий тили (?)** Шарқда ҳам, Европа фанида ҳам **"чиғатой"** номини олди".

Аввало, бу ерда қайси давлат ҳақида сўз кетмоқда, маълум эмас. Агар Чиғатой улуси кўзда тутилаётган бўлса, у XIII аср охирига келиб мутлақ мавкеини қўлдан бой берган эди.

Албатта, бу ўринда "Нега чиғатой давлати деб аталиши керак экан?" деган савол ҳам туғилади. У қайси давлат эди? Бу даврда юртимизда ҳеч қанақа чиғатой давлати эмас, балки Амир Темур асос солган Турон салтанати ҳукм сурар эди-ку. Тилимизнинг ўз номи бор, уни шарқий-турк адабий тили, деб аташга асло ҳожат йўқ эди.

В. Радлов тахминига кўра ҳам ("Темир Қутлуғ ва Тўхтамиш ёрлиқлари" мақоласига қаранг) чиғатой адабий тили аслан Шарқдан келиб чиққан эмиш. Лекин "Шарқ" тушунчаси сўзнинг ўзидан ҳам кенг бўлганидан, олимнинг тахмини ноаниқ бўлиб қолади.

Энди шарқшунос олим А. Самойловичнинг "Чиғатой тили" тарихини олти асрга қандай жойлаганини кўздан кечирайлик: 1. Чиғатой адабий тилининг олтин даври (XV–XVI асрлар); 2. Чиғатой адабий тилининг инқирози (XVII–XVIII асрлар); 3. Чиғатой адабий тилининг қайта жонланиши (XIX аср ва XX асрнинг боши).

Бу маълумотлар ўзбек филологияси факультетлари учун 1984 йилда чиқарилган дарсликка киритилгани ва кўп йиллар давомида ўқитиб келинганига нима дейсиз?

Ёки мана бу фикрга эътибор қаратинг:

"Во второй половине IX/XV в. чагатайская литература в лице Мир Али-Шира... достигла своего апогея" *(В.В. Бартольд. Сочинения. V том. М., 1968. стр.608.).* Яъни: "IX/XV асрда Мир Али-Шер... сиймосида чиғатой адабиёти ўзининг авж нуқтасига чиқди". Ана холос!

Юқоридаги Бартольддан келтирилган икки иқтибос унинг "Ислом энциклопедияси" деган машҳур нашр учун ёзилган "Чиғатой адабиёти" мақоласидан олинди.

**Б**ир оз тарих: "Ислом энциклопедияси"нинг (The Encyclopedia of Islam) илк нашрини тайёрлаш ишлари 1900 йилда Голландиянинг Лейден университетида бошланган. Унда немис, голланд, француз, инглиз олимлари қатнашган. Натижада 1939 йилда 5 жилддан иборат энциклопедия уч тилда — немис, инглиз, француз тилларида бир вақтнинг ўзида босиб чиқарилиб, бутун Европага тарқалган. 1954 йилда энциклопедиянинг иккинчи нашрига киришилган ва 2002 йилда охирги 11-жилд чоп этилган. Юқорида зикр этилган мақола ҳам шу тахлит дунёга тарқалиб кетган.

Энди Алишер Навоийнинг ўзига мурожаат этайлик. Шоир "Лисон ут-тайр" достонининг "Бу китобда тахаллус тағйирининг узри" бобида:

*«Шеър санъатин ки қилдим ибтидо,*
***Турк** алфози била қилдим адо",* — дейди, "чиғатой тили билан ёздим", демайди.

"Фарҳод ва Ширин" достонидан:

*Агар бир қавм, гар юз,*
*йўқса мингдур,*
*Муайян **турк улуси** худ менингдур!*

Эътибор беринг: шоир "Чиғатой улуси" эмас, "Турк улуси" демоқда!

"Сабъаи сайёр» достонидан:

*Ўнгда туркинавоз уруб достон,*
*Кўзғолиб ҳар навосида **Туркистон...***

"Садди Искандарий" достонидан:

*Муғанний, келу черт **туркона** соз,*
*Мақоми "Наво",*
*йўқса **"Туркий** Ҳижоз".*
*Навоийнинг ашъоридин неча байт,*
*Менинг ҳасби ҳолим топиб*
***туркий** айт!*

Шуниси эътиборга сазоворки, улуғ шоир ўз асарларида "Чиғатой эли", "Чиғатой тили", "Чиғатой адабиёти" деган ибораларни мутлақо қўлламайди. Она тилимиз масалаларига бағишланган "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида тилимизга нисбатан "Турк эли тили" атамасини ишлатади, "Чиғатой тили" иборасини эсламайди. Фақат бир жойда — "Мезон ул-авзон" рисоласи муқаддимасида: "Турк тили билан қалам сурдум" сўзларидан кейин "чиғатой лафзи била рақам урдум" дейди. "Наводир ун-ниҳоя" девонида "чиғатой" сўзи шахс номи, "Фавойид ул-кибар" девонида эса қавм номи сифатида тилга олинади. Бошқа ҳеч қайси асарда бу сўз учрамайди, учраса ҳам этник атама вазифасини бажаради, холос.

**З**аҳириддин Муҳаммад Бобур Андижон шаҳрини таърифлар экан: "Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учункум, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳиригда нашъу намо топибтур, бу тил биладур", деб гувоҳлик беради *("Бобурнома", Т., 2002. 34-бет)* ва бу билан Турон юртида (бу ерда Андижондан Ҳиротгача) **туркий тил адабий тил эканини** (таъкид бизники – *М.А.)* исботлайди, чиғатой тили ҳақида эса, табиийки, бирон сўз демайди.

Яна Алишер Навоий ҳақида "Бобурнома"да айтилган сўзларга ҳам диққатни қаратайлик: "Алишербек назири йўқ киши эрди. **Туркий тил** била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас" *(Ўша китоб. 132-бет.).* Бунда чиғатой тили ҳақида имо-ишора ҳам йўқ... Шундоқ экан, Алишер Навоий қандай қилиб "чиғатой" шоири бўлсин?

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, марҳум устозимиз Пиримқул Қодиров "Адабий тилимизнинг олтин кўприги" мақоласида худди шу мавзу — чиғатой тили, чиғатой адабиёти ҳақида жуда ўринли фикрларни ўртага ташлаб, жумладан, шундай ёзган эди:

*"Амир Темур 1370 йили Марказий Осиёда давлат тепасига келгандан кейин Чиғатой авлодлари бу ҳудуддан қувилган, Мовароуннаҳр яна қадимий номи билан Турон ва Туркистон деб атала бошлаган эди. Чиғатой исми энди фақат туркийлашган бир мўғул уруғининг оти ёки "Чиғатойтепа", "Чиғатой қабристони" каби жой номлари сифатида сақланиб қолган эди. Шунга қарамай, сунъий ясалган "чиғатой тили" тушунчасини Алишер Навоий ва Бобур Мирзо тилига нисбатан ҳам татбиқ этиш, яна бу сохта атама тарихини XX асргача чўзиб келиш илм-фанга эмас, фақат қарам қилинган халқларнинг юксак маданиятини камситишга хизмат қиладиган ғайриилмий бир сиёсат эди.*

*Афсуски, айрим ўзбек олимлари тил тарихига оид китобларида "чиғатой тили" иборасининг моҳиятига эътибор бермай келадилар. Университетларнинг филология факультетлари учун ўқув қўлланма сифатида 1994 йилда нашр этилган китобда шундай сатрлар бор: "Туркшуносликда баъзан **чиғатой адабиёти ва чиғатой тили, чиғатой туркийси** атамалари учрайди. Бу ўриндаги чиғатой адабиёти атамасини ўзбек мумтоз адабиёти деб тушунмоқ керак. Чиғатой тили атамаси эса эски ўзбек адабий тилини англатади".*

*Бу маълумотни талабалар онгига ўқув қўлланма орқали етказиб бераётган тилшунос олимларимиз бир лаҳза ўйлаб кўрмайдиларки, Чиғатой ўзи ким бўлганки, бутун бир адабий тилни, ҳатто Алишер Навоий давридаги мумтоз адабиётни "Чиғатой тили", "Чиғатой адабиёти"деб аташ керак?"*

Атоқли адибимизнинг фикрларига тўла қўшилган ҳолда, бир жиҳатни айтиб ўтиш лозим. Адабиётшунос, тилшунос олимларимиз орасида, гўёки "Чиғатой тили", "Чиғатой адабиёти" сингари атамалар XIII асрдан бошлаб мавжуд, деган қарашларни илгари сурувчилар ҳам учраб туради. Бундай ёндашув асоссиз даъволардан ўзга нарса эмас.

Тарихга назар солинса, мўғуллар босқини туфайли ўлкамиз "Чиғатой улуси" деб атала бошлангандан кейин мустамлака юртда адабиёт, илм-фан таназзулга юз тутди. XIII асрда адабиётимизда кўзга кўринарли бирон бир асар яратилмагани бунинг исботи.

Бурҳониддин Рабғўзийнинг "Қисас ул-анбиё" асари милодий 1310 йилда, Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" достони 1353 йилда — булар энди XIV аср бўлади — яратилди. Амир Темур давлат ҳукмдори бўлганидан сўнггина адабиётнинг, илм-фан, санъат ва маданиятнинг ривожланиши учун беқиёс имкониятлар пайдо бўлдики, бу бутун жаҳонга маълум.

Афсусланарли жойи шундаки, жаҳонда ўзбек адабиётини Чиғатой адабиёти деб тушуниш ҳали-ҳануз давом этмоқда. Ҳатто бугунги кунда ҳам хорижий газета-журналларга, интернет сайтларига кўз ташланса, адабиётимиз баъзан "Чиғатой адабиёти" сифатида талқин қилинаётганини кўриш мумкин. Буни қандай тушуниш керак?

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов шу йил 15-16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида: **"Тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажагини тасаввур қилолмайди"**, дея муҳим ҳақиқатга барчамизнинг эътиборимизни яна бир бор қаратгани бежиз эмас.

Шундай экан, тарих сабоқларини ҳеч қачон унутмайлик. Жафокаш юртимиз ўтмишда кўп босқинчиларни кўрди, ҳар бири келиб, юрт эгаси бўлган халқдан сўрамай-нетмай, ўзича унга янги номлар қўйди, чунончи, Трансоксания, Мовароуннаҳр, Чиғатой улуси дегандек... Миллий қадриятлар, маданияту маънавият поймол этилди, тарих топталди, тарихий ҳақиқатлар яширилди.

Яратганга минг шукрки, мана, йигирма уч йилдан буён қадим Ўзбекистон юртида мустақиллик ҳукм сурмоқда, ўзбек халқи қаддини баланд кўтариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрнини мустаҳкам эгалламоқда.

Шундай экан, бугунги кунда адабий жамоатчилигимиз, адабиётшунос, тилшунос, тарихшунос олимларимизнинг "чиғатой тили", "чиғатой адабиёти" деган ўйлаб чиқарилган, сунъий терминларни тубдан қайта кўриб чиқишлари, ислоҳ қилишлари замон талаби бўлиб қолмоқда. Бунда чиғатой тили эмас, **эски ўзбек тили,** чиғатой адабиёти эмас, **ўзбек мумтоз адабиёти** (бу термин кейинги пайтларда изчил қўлланилаётгани эътиборга лойиқ) терминларини фаол муомалага киритиш лозим. Бунинг учун, аввало, ўзимиз жон куйдиришимиз, ўзимиз астойдил ҳаракат қилишимиз керак.

Барчамизга яхши маълумки, биз ниҳоятда улкан адабиётнинг ворисларимиз. Аммо, ўйлаб кўрайлик, аввало ўзимиз адабиётимизнинг кўламини бор-бўйи билан тасаввур қила оламизми? Уни ўзимиз ҳамиша ҳам сезиб, ҳис қилиб, унга нисбатан юксак фахру ифтихорни юракдан ҳис эта оламизми?

Биз бу залворли маънавий меросни қадрига етиб, янги тадқиқотлар олиб боришимиз, чуқур ўрганишимиз керак. Бу қутлуғ юмушга кўпроқ ёшларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда мумтоз адабиётимиз намуналарини жамлаб (бунга замонавий адабиёт ҳам киради), кўп жилдлик туркум нашр этишни режалаштирмоқда. Токи, бу китоблар ҳар бир таълим муассасаси, шунингдек, шахсий кутубхоналардан ўрин олсин.

Олий ўқув юртларимизда адабиётимизни ўрганиш муаммоларига бағишланган анжуманларни йўлга қўйиш лозим. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар, айниқса, ёш авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этишини унутмайлик.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ўзбек адабиёти намуналарини бевосита она тилимиздан жаҳон тилларига таржима қилиш борасида зарур ва долзарб фикрлар билдирилган. Лекин ҳали бу имкониятдан тўла фойдаланаяпмиз, деб айтолмаймиз. Бу борада бажарилиши керак бўлган муҳим ишлар олдимизда турибди.

**Ш**у ўринда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан кейинги йилларда ўзбек тилидан бевосита бошқа тилларга таржима қилинган бир қатор китоблар нашр этилганини таъкидламоқ жоиз. Чунончи, корейс тилида "Йигирманчи аср ўзбек шеърияти" (2011 й.), "Йигирманчи аср ўзбек ҳикоялари" (2014 й.), инглиз тилида ўн саккиз нафар ўзбек шоирининг шеърлари жамланган "Қалбим сенга интилади" (2011 й.) китоби, Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" (2013 й.) қиссаси, немис тилида Абдулла Қаҳҳорнинг "Анор" ҳикоялар тўплами (2013 й.) нашр қилинди. Чўлпоннинг "Халқ" шеъри 14 тилда (2011 й.), Муҳаммад Юсуфнинг "Ёшлар мадҳияси" шеъри 18 тилда (2014 й.) алоҳида китоб ҳолида дунё юзини кўрди. Ёзувчилар уюшмасида Алишер Навоийнинг ғазал ва рубоийларидан ташкил топган мажмуасини жаҳоннинг ўн тўрт тилига таржима қилиш лойиҳаси устида иш бошланди.

Республика "Истеъдод мактаби" ёшлар семинари анжуманлари ва минтақавий йиғинларда ёш таржимонлар шўъбаси фаолияти йўлга қўйилиб, уларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан истеъдодли ёшларнинг қизғин иштирок этаётгани кўнгилларда умид уйғотади.

"Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, — деб ёзади давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида, — аввалambor буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди."

Бу сўзлар ҳамиша биз, адабиёт аҳлининг, ёзувчи ва шоирларнинг қалбларимизга бемисл куч беради, шижоат бағишлайди.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 783 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5